


Уч ўлчовли телекўрсатувли тизимлар ва уларнинг хусусиятлари

Ж.А. Юсупов («UNICON.UZ» ДУК)
Г.Х. Джураеева М.М. Юсупова (ТАТУ)

Умумий ҳолатдаги кўринаётган кенгликнинг ҳажмли тасвирини берувчи телевизион (ТВ) тасвир узатувчи ТВ-камера орқали амалга оширилиб, тасвирнинг сигнал датчиклари худди кўз таянчлари каби (инсоннинг ўнг ва чап кўзлари қорачиклари марказлари ўртасидаги масофа) ўзаро таянч масофада жойлашган. Катта одамлар учун таянч масофа ўртacha 65 мм катталиқда бўлади. Турли позициядан суратга олинган иккита ТВ-кадр стереопарлар деб аталади. Маълумки, СССРда илк оқ-қора ҳажмли ТВ-тасвир 1950 йилда олинган эди, ҳажмли рангли ТВ-тасвир олиш эса, 1959 йилда Ленинград электротехника алоқалар институтининг (ЛЭИС) профессори П.В. Шмаков раҳбарлигида телевидения кафедраси жамоаси томонидан амалга оширилди. Ушбу институтнинг стереотелевизион рангли қурилмаси 1962 йили Москвада Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргасмасида (ВДНХ) намойиш қилинди [2].



1-расм. Ҳажмли ТВ тизимидағи тасвирни шакллантирувчи турлари

1-расмда ҳажмли тасвирли телевидения тизимида шаклланадиган тасвирларнинг турлича кўриниши кўрсатилган. Бу ерда оқ-қора, рангли ва спектроздонал ТВ-тасвирлар ажратилган, улар айлана кўриниш бўйича бир ракурсли ёки кўп ракурсли бўлиши мумкин [3,4]. Кўрилаётган обьектнинг ҳажмли тасвир

эффектини олиш учун, аввало чап кўзимиз ТВ-датчиклар шакллантирадиган чап стереопарлар тасвирини кўриши керак, ўнг кўз эса ТВ-датчиклардан ўнг стереопарлар тасвирини кўриш лозим. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳажмли ТВ-тасвири ўз асосида идрок қилишда ранглар қоришигининг бинокулярли услубидан фойдаланишади, турли позициялардан суратга олинган тасвирнинг ранглар оқими чап ва ўнг кўзнинг тўр пардаларига алоҳида, алоҳида келади.

Чап ва ўнг кўзлар учун стереопарлар тасвиrlари сепарацияси турли индивидуал кўзга ўрнатгич қурилмалари (кўзойнаклар) ёки жамоа бўлиб фойдаланиладиган махсус қурилмалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Сепарациянинг кўзойнакли услуби қутбли (тасвир ёруғлик нурларининг ўзаро перпендикулярли текислигига бўлинади) ёки рангли (спектраль белгилар бўйича бўлинади) бўлиши мумкин. Сўнгги пайтларда рангли ҳажмли ТВ-тасвиrlарни идрок қилиш ёки акс эттиришда кўзга ўрнатиладиган қурилмалардан фойдаланилмаган ҳолда янги услублар ва тизимлар қўлланила бошланди.

Ҳозирда ҳажмли тасвиrlи кўрсатувлар ва амалий телевидения соҳасида тадқиқотлар ва ишланмалар жуда фаол олиб борилмоқда. АҚШ, Буюкбритания, Япония, Жанубий Корея, Германия, Россия каби мамлакатларда ҳажмли тасвиrlи (3D) ТВ-кўrсатувлар тизимини жорий қилиш ва фойдаланиш амалга оширилмоқда. Ҳажмли тасвиrlи ТВ-кўrсатувлар тараққиётининг илк босқичида кинофильмлар, кўнгилочар томошалар, спорт кўrсатувлари ва бошқаларни ўз ичига олган кўrсатувларнинг алоҳида турлари таклиф қилинмоқда. Ҳажмли тасвиrlи кўrсатувлар телевидения дастурларини шакллантириш ва узатишни амалга ошириш учун хилма хил видеоматериаллар (видеоконтент) тўпланмоқда.


Таъкидлаш лозимки, илгари Россиянинг олтига тадқиқот комиссияси томонидан маъқулланган ҳажмли тасвиrlи 3D-телевидениясини стандартлаш ҳақидаги таклифи МСЭ-Р да (профессор Кривошеев раҳбарлигига ишлаб чиқилган) бир овоздан қабул қилинган эди [5]. Ушбу таклифда рақамли рангли ҳажмли тасвиrlи ТВ-кўrсатувларининг халқаро стандартлаш стратегияси ҳамда қайта акс этадиган тасвиrда томошабиннинг бўлиши эфектини таъминлайдиган бундай тизимни жорий қилишнинг амалий йўллари баён қилинган эди. Гарчи, 2013 йилнинг ўрталарига келиб, айrim телекўrсатув эгалари 3D-лойиҳаларидан воз кеча бошлашган бўлсада, шу билан бир қаторда ҳажмли тасвиrlи телевиденияга ўтиш жараёнининг ўзи давом этмоқда ва тобора жадаллашмоқда. Масалан, 2013 йилнинг охирига келиб Жанубий Кореяниг етакчи телевизион тармоқларидан бири, SBS компанияси ердаги ТВ-станцияда доимий ҳаftалик дастурларни 3D форматида трансляция қилишни бошлаган дунёдаги илк компания бўлди [6].

Ҳажмли тасвиrlи телевидения кўrсатувлари ривожланиши билан бир қаторда амалий ҳажмли тасвиrlи телевидения тизими ҳам қўлланилаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масалан, ОАО “НИИТ” (Санкт-Петербург) шундай тизимнинг бир қанча модификациясини ишлаб чиқди [7]. Ушбу вариантлардан бири оператор

томонидан бошқариладиган турли мұхитда (сувда, ҳавода ва коинотда) турған манипуляр қурилмани масофавий стереоскопик кузатув тизимицир.

Замонавий рақамли телевидения ривожининиг умумий тенденцияси янада көнг формат тизимиға босқичма-босқич ўтишдан иборатдир. Масалан, Ultra High Definition Television (UHDTV) тизимида тасвир көнглигининг икки даражасини ажратади. 4K – бу, 3860x2160 элемент көнглигига мос келса, 8K әнд юқори көнгликдаги тасвир кадри 7680x4320 элементтига мос келади, бу HDTV [8, 9] стандартидан 16 баробар күп деганидир. Шу боис келажақда 3D форматида ҳажмли тасвирлар күрсатувлар ҳам 4K и 8K көнглик форматида юқори аниқликда амалға оширилишига умид қылса бўлади. Мазкур ишда [10] ҳажмли тасвирлар телевидениянинг ўзига хослиги кўриб чиқилади, унга тасниф берилади, 3D, 4D ва бошқа форматларнинг фарқлари тавсифланади.

Ҳажмли ТВ-тасвирлари шаклланишининг турли кўриниши ва варианatlари Ҳал қилинаётган вазифадан келиб чиқиб ҳажмли ТВ-тасвирнинг сигналларини кузатиш турли йўллар билан шаклланиши мумкин. 2-расмда ҳажмли ТВ-тасвир шаклланишининг мумкин бўлган турли кўриниши ва варианatlари кўрсатилган [3, 4]. Бу ерда айрим ТВ-датчиклар – чап ва ўнг стереопарлари тасвирининг сигнал манбаси оқ-қора (о/қ), рангли (р) ёки спектрозоналли (сз) икки ўлчамли ТВ-тасвир сигналларини шакллантиришни амалға ошириш мумкин бўлиб, улар асосида кўрсатувларни ҳам, амалий вазифаларни ҳам ҳал этиш учун у ёки бошқа кўринишдаги ҳажмли тасвир шакллантирилган. ТВ-датчиклар сифатида ҳаммага маълум бўлган ПЗС-матрицалар, КМОП-фотоприемниклар ёки мозаикли саралашдан фойдаланган ҳолда тасвирнинг электрли сигналларида нур оқимининг бошқа пайдо қилувчилари ишлатилиши мумкин [11].



2-расм. Ҳажмий ТВ-тасвирлари шаклланишининг турли кўриниши ва варианatlари

Хажмли оқ-қора ТВ-тасвир күрсатувларининг сигналларини шаклантириш учун түлкүн узунлиги 0,38 дан 0,76 мкм гача бўлган интервалда кўриниб турадиган спектр худудидан (ВИ) фойдаланилади.

Намойиш қилинадиган ҳажмли рангли ТВ-тасвир сигналлари ВИ спектр тармоғидаги объектларнинг қизил, яшил ва занори қисмида ранглар оқимининг қайд этиш ҳисобига шакланади, яъни, $\Delta\lambda_R$, $\Delta\lambda_G$ и $\Delta\lambda_B$ қайд этиш зонасида, бу инсоннинг кўриш тизимидағи спектралли тасвиғи билан мувофиқлашгандир. ТВ-тасвир чап стереопарлари ҳам, ўнг стереопарлари ҳам рангли ёки стереопарларнинг бири қора-оқ вариантида кўринади. Кейинги ҳолатда томошибинлар ҳам рангли ҳажмли тасвирларни идроқ қиласди [2].

1-жадвал

Ҳар бир стереопарлар учун ҳажмли тасвирнинг турли кўриниши ва вариантлари ҳамда тасвир сигналларини шаклантириш учун нурлар (ёруғлик) оқимини қайд қиласдиган эҳтимолий худудларнинг (зона) умумий микдори

№	Ҳажмий ТВ тасвирни шаклантириш	Стерио жуфтликнинг чап сенсори	Стерио жуфтликнинг ўнг сенсори	Мумкин бўлган рўйхатга олиш майдонининг умумий сони
		Минтақа спектори ва ёруғлик аниқлаш майдони		
1	Оқ-қора	$(\lambda_n - \lambda_1)$	$(\lambda_n - \lambda_1)$	1
2	Рангли	$\Delta\lambda_R \Delta\lambda_G \Delta\lambda_B$	$\Delta\lambda_R \Delta\lambda_G \Delta\lambda_B$	3
3	Рангли	$\Delta\lambda_R \Delta\lambda_G \Delta\lambda_B$	$(\lambda_n - \lambda_1)$	4
4	Спектр зонали	Спектр худудларида ёрқин оқимларни рўйхатга олиш жойлари		
4.1	Икки зонали	$\Delta\lambda_1$	$\Delta\lambda_2$	2
4.2	Икки зонали	$\Delta\lambda_1 \Delta\lambda_2$	$\Delta\lambda_2$	2
4.3	Икки зонали	$\Delta\lambda_1 \Delta\lambda_2$	$\Delta\lambda_1 \Delta\lambda_2$	2
4.4	Уч зонали	$\Delta\lambda_1 \Delta\lambda_2$	$\Delta\lambda_3$	3
4.5	Уч зонали	$\Delta\lambda_1 \Delta\lambda_2 \Delta\lambda_3$	$\Delta\lambda_3$	3
4.6	Уч зонали	$\Delta\lambda_1 \Delta\lambda_2 \Delta\lambda_3$	$\Delta\lambda_4 \Delta\lambda_5 \Delta\lambda_6$	6
..			
4.n	Кўп зонали	$\Delta\lambda_1 \Delta\lambda_2 \dots \Delta\lambda_n$	$\Delta\lambda_{n+1} \Delta\lambda_{n+2} \dots \Delta\lambda_m$	$(n-m)$

Ҳажмли ТВ-тасвир сигналларининг шаклланиши ултрафиолетли (УФ) алоҳида ҳудудида, ВИ ва яқин инфрақизил (ИК) спектр йўналишида тўлқин узунлиги 0,25 дан 2,5 мкм гача бўлган оралиқда нурлар оқимининг акс этишини қайд этишни кўзда тутиши мумкин, улар инсон кўриш тизимининг спектралли тавсифи билан мос келмаган бўлади. Бундан ташқари, нурли оқимининг нурланишини қайд этиш иссиқлик ИК-спектр йўналишида тўлқин узунлиги 3,0–5,0 ва 8,0–14,0 мкм оралиғида амалга ошиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳажмли спектрозоналли телевидения тизими ва УФ – ВИ - ёки ИК-спектр йўналишининг турли ҳудудларида ҳажмли спектрозоналли ТВ-тасвирнинг шаклланиши ҳақида гап бориши мумкин.

Ҳажмли спектрозоналли ТВ-тасвир шаклланишининг ўзига хослиги. Ҳажмли спектрозоналли ТВ-тасвирларни шакллантиришда танланаётган нурланиш оқимини қайд этиш ҳудуди тўлқин узунлиги λ 1 дан λ n гача бўлган у ёки бу спектралли ҳудудда бўлиши мумкин. Улар қайд этилиши ҳам, қайд этилмаслиги ҳам мумкин бўлиб, қисман яширган, турлича кенгликка эга бўлган бўлади. Бу танланган спектралли ҳудудларда шундай маълумотлар ҳудудини танлашга имкон берадики, обьектлар уларнинг спектралли-энергетикли ва кенглик белгиларига қараб фарқланади ва томоша қилинаётган тасвирлардаги кўп миқдордаги обьектларнинг бир-бирига мослашувини таъминлайди.

Спектрозоналли яқон тасвирлар сигналлари шаклланишига ёрдам берадиган бир тоифадаги ёки турли ТВ-манбаларнинг умумий миқдори турлича бўлиши мумкин. Нурлар оқимини қайд этиш ҳудудларининг умумий миқдори ва чап ва ўнг стереопар шакллантириш учун спектрозоналли сигналлар (1 жадвал) қуйидаги сигналлар комбинациясидан иборат бўлиши мумкин: (1+1), (1+2), (1+3), (2+1), (2+2), (3+1), (3+2), (3+3) ва шунга ўхшаш. Уларнинг умумий сони жуфт ҳам бўлиши мумкин, тоқ ҳам бўлиши мумкин.

Масалан, бу чап стереопарлар ТВ-датчиклари учун $\Delta\lambda_1$, $\Delta\lambda_2$, $\Delta\lambda_3$ қайд этиш ҳудуди ҳам бўлиши мумкин ва ўнг стереопарлар ТВ-датчикларнинг $\Delta\lambda_4$, $\Delta\lambda_5$, $\Delta\lambda_6$ қайд этиш ҳудуди ҳам бўлиши мумкин, уларнинг умумий миқдори роппа-роса ($n+m$)=6 бўлади. Яъни, масалага шундай ёндашилса нурлар оқимини қайд этишда фойдаланиладиган турли ҳудудларнинг умумий сони ортади.

Ҳажмли спектрозоналли видеомаълумотларни визуал идрок қилиш қора-оқ ёки рангли вариантларда олиб борилиши мумкин. Кейинги ҳолатда ранг видеоназорат қурилмасининг экранида томоша қилинаётган кенгликдаги реал обьектлар нисбий рангларда акс этади. Чунки, масалан, ўсимликлар мовий рангда намоён бўлиши мумкин, сув юзаси эса қизил ранг ва ҳоказо.

Ҳажмли спектрозоналли телевидения тизимидан фойдаланган ҳолда обьектларни кузатиш ва билишда айрим масалаларни ҳал этиш учун чап ва ўнг стереопарлар ТВ-датчиклар учун нурлар оқими ҳудудини танлашнинг ўзи етарли бўлади, уларнинг сони роппа-расо $2 \leq W \leq 6$ катталиқда бўлади. Масалан, иккиканалли оптик чизмада нурлар оқимини бир-биридан ажратиш ҳар бир

ТВ-датчиклар учун жорий зоналли видеосигналларнинг энг кам миқдори роппа-роса иккитага тенг бўлади. Яъни, бу ҳолатда ҳар бир ТВ-датчиклар учун иккита қайд этилган ҳудуддан фойдаланиш мумкин бўлади. Булар, масалан, чап спектралли ҳудудлар $\Delta\lambda_1$ ва $\Delta\lambda_2$ учун ҳам ва ўнг стереопарлар тасвир сигналларини шакллантириш учун спектралли ҳудудлар $\Delta\lambda_3$ и $\Delta\lambda_4$ ҳам бўлиши мумкин.

Ҳажмли тасвирли телевидения тизимида фойдаланилаётган обьектларнинг нурлар оқими (ёруғлик) ни қайд қилиш ҳудуди ва тасвирни шакллантирувчи сигналларнинг умумий миқдори $W = (n+m) = 2,3,4,5,\dots, (C + S)$, (1) га тенг бўлиб, $n = 1,2,3,\dots,C$ – чап стереопарлар ТВ-датчиклари сигналларини шакллантириш миқдорини билдиурса, а $m = 1,2,3,\dots, S$ эса ўнг стереопарлар ТВ-датчиклари орқали сигналларни шакллантирадиган миқдорни билдиради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳажмли спектрозоналли ТВ-тасвирлар чап ва ўнг стереопарлар тасвир шакллантиришнинг комбинаялаштирилган вариантларидан келиб чиқсан ҳода олиниши мумкин. Бу ҳолатда тасвирлар, масалан, чап стереопарлар қора-оқ ёки рангли кўринишда шаклланиши мумкин, ўнг стереопарларли тасвирлар эса спектrozоналли вариантда шаклланади. Ҳажмли тасвирли спектrozоналли ТВ-тасвирни шакллантиришда, ҳажмли қора-оқ ёки рангли тасвирдан фарқли равишда, нурли (ёруғлик) оқимини қайд қилиш ҳудудининг умумий миқдорини ва тегишлича, ўнг ва чап стереопар видеосигналлар миқдорини камайтириш масаласи юзага чиқади.

Ҳажмли тасвирли рақамли сигналларни узатиш тезлиги

Маълумки [2], ТВ-сигнални рақамли кўринишда узатиш тезлиги ишлаб чиқарилган дискретизация fd частоталари ва битта дискретли ҳисобда иккита белги миқдорига тенг:

$$C(t)=fd \cdot k, \quad (2)$$

Бу ерда k – бир ҳисобнинг кодли комбинацияли иккита рамзи миқдоридир.

2-жадвал

Рақамли шаклда бошланғич тезликда ҳажмли тасвирда видео сигнал узатиш

Ракурслар сонини кузатиш	Ҳажмий тасвирни рақамли шакиллантириш	
	Оқ -қора	Рангли
	Сиқилмайдиган видеосигналларнинг ўнг ва чап стериожуфтликлари учун бошланғич тезликни узатиш	
1	216	512
P	P216	P512

2-жадвалда ракурслар ($fd = 13,5$ МГц и $k = 8$ видеосигналнинг дискретизация частоталари маъносида) миқдоридан келиб чиқиб ҳажмли тасвирнинг видеосигналларини узатишнинг бошланғич тезлиги рақамли кўринишда кўрсатилган. Мисол тариқасида шаклланадиган тасвир сифатида бу ерда қора-оқ ёки

рангли ТВ-тасвир 1-жадвалга биноан нурли (ёруғлик) оқимни қайд қилиш худудида олинган.

Рақамли ҳажмли тасвирли телевиденияга видеосигналларни узатиш учун икки ўлчамли рангли телевидения видеосигналларини узатишга нисбатан янада кенг йўлли алоқа каналлари талаб этилади. Кузатувлар ракурслар сонини ошириш чап ва ўнг стереопарлар учун видеосигналларни узатишнинг бошланғич тезлиги Р мартага ортиб кетишига олиб келади.


Видеосигналларни рақамли тарзда узатишнинг умумий тезлиги Р-ракурсли видеосигналларни бир вақтнинг ўзида узатиш учун сиқилган видеоахборотлар курилмасини фойдаланишда қуйидаги катталикни ташкил этиди:

$$Счб=(P \cdot 216)/A_1, Сцв=(P \cdot 512)/A_2 \text{ (Мбит/с), (3)}$$

Бу ерда A_1 и A_2 – коэффициентлар бўлиб, улар бошланғич қора-оқ ва рангли тасвирларнинг сиқилганлик даражасини ҳисобга олади.

Ҳажмли тасвирли телевидения тизимининг узатиш ва қабул қилиш қисми. Икки ўлчамли телевидения тизими каби, ҳажмли тасвирли телевидениянинг қурилиш чизмаси ҳам уларнинг узатиш ва қабул қилиш қисмини ифода этиди, улар орасида қурилма ва сигналларни тарқатиш муҳити ёки уларни видеога ёзиб олиш ва кейинчалик қайта қўйиш учун қурилма ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Умумий ҳолатда кузатишнинг бир ракурси учун ҳажмли қора-оқ, рангли ёки спектрозоналли телевидения тизимининг структурали узатиш чизмаси (3-расм) узатувчи ТВ-камерани ифода этиди. Масалан, ўз таркибида Во базис масофада ўзаро горизонтал бўйича ажратилган чап (16) ва ўнг (1а) қисмiga эга (ёки иккита алоҳида ТВ-камералар).



3-расм. Ҳажмли ТВ узатувчи қисмини структуравий схемаси

Ушбу ТВ-камералар қисми чап ва ўнг стереопарлар тасвирининг сигналларини шакллантиради. Шу билан бирга, 1-жадвалга ва ифода этишига кўра (1), қора-оқ,

рангли ёки спектроздоналли варианлардаги чап ва ўнг стереопарлар тасвир сигналларини шакллантириш учун ТВ-датчиклар турлича қўшилиши мумкиндири [4].

ТВ-камераларнинг ҳар бир қисми ўзгарувчан (доимий) фокусли масофадаги 2 та объект билан киравчи нурли оқимни $F(\lambda)$ бир нечта шунга ўхшаш 3 таркибга ажратувчи қурилмадан ташкил топган. Шунингдек, ТВ-камераларда бир хил ёки турли спектрал тавсифга эга $F(\Delta\lambda_i)$ н ва т оптик 4 фильтрлар, “нурли (ёруғлик) оқим – сигнал” 5 ли н ва т ўзгартиргич, ҳамда н ва т кучайтиргич блоклари ва сигнал 6 га алоҳида рақамли қайта ишлов бергич ҳам бор. Бундан ташқари, тасвир 7 сигналларини, синхрогенератор 8 айлантирувчи (ўқийдиган) сигналларни шакллантирувчи блок, чап ва ўнг стереопарлар сигналларига 9 биргалиқда рақамли ишлов бергич ҳам бор. 9 блоқдан чиқиши билан сигналлар 10 камутатор орқали етиб келади ёки 11 алоқа канали бўйича сигналлар узатиш қурилмасининг киришида ёки ҳажмли тасвир сигналларини видеоёзиш, уни кейинчалик алоқа канали орқали узатиш учун 12 қурилмасига узатилиши мумкин.


Ҳажмли тасвирли телевидениянинг узатиш қисми тизимлари қуйидагича ишлайди. Киравчи нурли оқим $F(\lambda)$ чап (1б) объект 2 га ва ўнг (1а) ТВ-камералари қисмига келади. Қурилма 3 ёрдамида ўхшаш нурли оқимларга ажралади. Улар оптик фильтрлар 4 га ўтиб, ТВ-камераларнинг чап ва ўнг қисмлари учун бир хил ёки турли спектралли тавсифига эга бўлиши мумкин, алоҳида нурли оқимни $F(\Delta\lambda_i)$ шакллантиради ва ўзгартиргич 5 нинг ишлаш жараёнида тасвирни катталаштириб беради.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, амалий вазифаларни ҳал этиш учун мўлжалланган ТВ-камераларда алоҳида матрицали ўзгартиргич 5 дан фойдаланиш мумкин, у нурли оқим ҳудудини қайд қилиш учун ВИ-спектр ҳудудидан ташқарида танланиши ҳам мумкин. Ўзгартиргич 5 чиқишида чап ва ўнг стереопарлар тасвир сигналлари қуйидаги кўринишда шаклланиши мумкин:

$$U(\Delta\lambda_1), \dots, U(\Delta\lambda_i), \dots, U(\Delta\lambda_m), U(\Delta\lambda_{m+1}), \dots, U(\Delta\lambda_{m+i}), \dots, U(\Delta\lambda_n). \quad (4)$$

9 блоқда ҳам синхронлашган сигналлар ва тасвирларнинг жамланиши, кейинчалик уларнинг алоқа каналлари бўйлаб узатилиши ёки видеоёзиш операцияси амалга оширилади.

4-расмда ҳажмли тасвирли телевидения тизими қабул қилиш чизмасининг умумий структураси кўрсатилган. У ўзига қуйидагиларни олади: 13 сигналининг юқори сифатли қабул қилиш блоки, чап ва ўнг стереопарлар тасвири сигналларини ажратиб чиқарувчи 14, синхроимпульслар селектори ва импульсларни синхронлаштирувчи ва бошқарувчи генератор, чап ва ўнг стереопарлар 16 тасвир сигналларини қайта ишловчи н ва т блок, камутатор 17, ахборотларни ҳажмли акс эттириш қурилмаси 18 ва бошқарув блоки 19.



4-расм. Ҳажмли ТВ қабул қилувчи қисмини умумий структуравий схемаси

Ҳажмли тасвири телевидения тизимининг қабул қилиш қисмida синхронлаштирувчи сигналлар ажralиб чиқади ва дастлабки ТВ-тасвир сигналларини шакллантириш бўйича тескари операция бажарилади. Акс эттирувчи қурилманинг экранидаги чап ва ўнг стереопарлар тавирининг алоҳида сигналларини ишга туширишда ҳажмли қора-оқ, рангли ёки спектроналли ТВ-тасвирлар шаклланади.

Таъкидлаш жоизки, атрофдаги объектлар устидан видеокузатувни амалга ошириш учун ҳажмли спектронали телевидения тизими жорий қилиш видеомаълумотларни масофадан назорат қилиб туриш ва турли жараёнларни бошқаришда жуда кенг имкониятларни беради. Бундай тизимлар техник нигоҳ ва работ техникаларнинг ихтисослашган тизимида кенг қўлланилиши мумкин.

Хулоса

Ҳажмли тасвирларни узатиш ва қайта тиклаш техникаларида эришилган улкан ютуқлар нафақат, кўрсатувлар соҳасида ТВ-дастурларни, видео ва кинофильмларни 3D форматидаги томошаларни телевидения тизимида жорий қилишни, балки уларни илм-фан, техника ва саноатнинг турли тармоқларида қўллаш имкониятини ҳам бермоқда.

Ҳажмли тасвири телевидениянинг амалий тизими ривожи янги телекоммуникациялар ва компьютер технологиялари билан уйғун тарзда уларни амалда фойдаланишининг янги босқичига чиқишига сабаб бўлмоқда, видеокузатув ва объектларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган турли тоифадаги вазифаларни ҳал қилиш янги сифат даражасида амалга ошириш имконини бермоқда. Мазкур жараёнда нафақат ВИ-да, балки спектрнинг бошқа соҳаларида ҳам нурли (ёруғлик) оқимни қайд

қилишнинг алоҳида ҳудудидан фойдаланиладиган ҳажмли спектроналли ТВ-тасвирни шакллантирувчи тизимлар муҳим аҳамият касб этади.

Ҳажмли спектроналли ТВ-тасвирлар намойиши шартли ёруғлиқда амалга оширилиши ва визуалли таҳлиллар (инсон-оператор иштирокида) вазифасини ҳал этишда фойдаланилиши мумкин, шунингдек белгиланган объектларни аниқлаш ва селекциялаш, параметрларни ўлчаш ва уларни автоматик таҳлил қилиш ҳамда бошқарув сигналларини шакллантириш режимида (инсон-оператор иштирокисиз) спектро-энергетик белгилари бўйича ҳам фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шмаков П.В. Основы цветного и объемного телевидения. – М.: Советское радио, 1954. – 304 с.
2. Телевидение: Учебник для вузов / В.Е. Джакония, А.А. Гоголь, Я.В. Друзин и др.: Под ред. В.Е. Джаконии. – М.: Радио и связь, 2000. – 640 с.: ил.
3. Сагдуллаев Т.Ю. Особенности построения систем объемного спектронального телевидения / Т-СОММ-Телекоммуникации и транспорт. – М.:2010, № 9, С. 69–71.
4. Зубарев Ю.Б., Сагдуллаев Ю.С., Сагдуллаев Т.Ю. Видеоинформационные технологии объемного и многоракурсного телевидения. Вопросы радиоэлектроники. Техника телевидения, 2011. Вып. 1. С. 32–44.
5. Кривошеев М.И., Федунин В.Г. Прогресс в изучениях стереоскопического и объемного телевизионного вещания в МСЭ-Р и инициатива России. Часть 2 // Broadcasting. Телевидение и радиовещание. М.: 2010. № 2. С. 20–21.
6. <http://www.tasstelecom.ru/news/one/25558>
7. <http://www.niitv.ru/home/index?tid=633200011&nd= 458200128>
8. Баланин Л.Н. Цифровое телевидение ультравысокой четкости – новый этап развития телевизионной техники / Вопросы радиоэлектроники. Техника телевидения, 2013. Вып. 1. С. 56–73.
9. Сагдуллаев Ю.С. Отечественное телевидение XX и начала XXI столетия. Часть 1–3 // Broadcasting. Телевидение и радиовещание. М.: 2012. № 4, № 6, № 7. С. 40–42, с. 28–30, с. 54–55.
10. Варгин П. Объемное телевидение – символ XXI века. Часть 1–5, 6 // Broadcasting. Телевидение и радиовещание. М.: 2011. № 4–№ 8; 2012. № 1.
11. Ковин Д., Сагдуллаев В.Ю., Сагдуллаев Ю.С. Системы многоракурсного телевидения. М.: Спутник +, 2014. – 184 с.